25 0693

Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 19 ИЮНЬ, ШАНБА

№ 42 (6553).
Баҳоси 5 сўм.

КУН ТАРТИБИДА: ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ТАРАДДУДИ

Сўзимизда, тилимизда бугун бир ибора тез-тез такрор бўлиб турибди: мактабларда ўқув йили тугади. Буни шундай маънода тушуниш керакки, ўқувчилар ва ўқитувчилар ёзги дам олишга чиқдилар. Лекин ўқув йили синф хоналарини таъмирлаш, янги дарсликларни чоп этиш кўринишда давом этаётир. Бир сўз билан айтганда янги ўқув йилига тайёргарлик куннинг долзарб вазифаси бўлиб турибди.

Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов йиғилиш аҳли эътиборини кун тартибидаги масаланинг моҳиятига қаратди. Янги ўқув йилига ҳозирлик — бу нураган деворни оқлашу, лиқиллаб қолган партани михлашдангина иборат эмас, албатта, Айниқса, таълим-тарбия мазмуни бутунлай янгиланаётган шароитда бу ўқув жараёни билан тенг, ғоят масъулиятли жараёндир. Қўлланмалар, дарсликлар, журналлар, кўргазмали қуроллар янги ўқув йилигача мактабларга етиб борадими? Кутубхоналар зарур китоблар билан тўлиқ таъминланадими? Йиғилишда ана шу ғоят муҳим масалалар юзасидан фикр билдирилди.

Республика ўқув-методика маркази директорининг ўринбосари Р. Аҳроров янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратиш, нашрга тайёрлаш ва чоп этишнинг аҳволи ҳақида ахборот берди. Янги дарсликлар 359 номда 28 миллион 287 минг нусхада чоп этилади.

Ният яхши. Лекин йиғилиш иштирокчилари масалани кўндаланг қўйишди: ҳар бир фан бўйича дарсликлар ўқувчи қўлига қачон етиб боради? Ахборотдан маълум бўлдики, бунга тугал жавоб йўқ. Нашр этиш билан боғлиқ муаммолар ҳам талайгина. Лекин вақт кутиб турмайди. Шунинг учун йиғилишда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини зудлик билан чоп этиш тадбирлари белгилаб олинди.

Йиғилишда халқ таълими тизимидаги оммавий-ахборот воситалари бу борада амалга ошириши лозим бўлган вазифалар ҳам алоҳида қайд этилди.

Ўз мухбиримиз.

ДАЛИЛЛАР ҚУВОНАРЛИ

Айни кунларда республикамиздаги барча умумтаълим мактабларида ўқишлар тугаб, ўқув йилига тайёргарлик ишлари маорифчилар олдидаги асосий масалага айланган. Жойларда янги мактаб биноларини барпо этиш, эскиларини таъмирлаш ишлари авж олмоқда. Бу жараённинг Самарқанд вилояти Нуробод туманида қандай кетаётганлигини билиш ниятида туман халқ таълими бўлими мудири Мусурмон Норматовга мурожаат этдик.

— Тобора замонавийликка юз тутаётган мамлакатимизни тўлақонли жиҳозланган, бекаму кўст қурилган мактабларсиз тасаввур этиш амри маҳол. Негаки халқ маънавияти кўзгуси ҳисобланмиш — илм даргоҳларининг аҳволи маълум даражада унда ўқув-тарбиявий ишларнинг қандай олиб борилаётганлигини белгилайди. Туманимизда ҳозирда 70 дан знёд мактаблар мавжуд. Улар орасида 40 йил муқаддам лойдан, чимдан қад кўтарганлари ҳам учраб турарди. Сўнги 2 йил давомида шундай мактаблардан 9 таси янги бинога эга бўлди. Туман ҳокимлиги ҳамда давлат хўжалиги раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари эвазига сўнги 5 йил ичида 50 та мактабга қўшимча бинолар 17 та мактабга эса янги бинолар қуриб берилди. Шу кунларда Жом давлат хўжалиги ҳисобидан Тинчлик қишлоғида 320 ўринли, Улус қишлоқ кенгашига қарашли 28, 30 -мактабларга, Тим қишлоқ Кенгашига қарашли 43, 53, 54, 55, 71-мактабларга янги бинолар қурилиши давом эттирилмоқда. Уларнинг барчаси янги ўқув йилида ишга туширилиши мўлжалланган.

Таъмир масаласига келсак, бу борада ҳам анча ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қурилиш материалларининг олдиндан олиб қўйилганлиги ишимизни бир оз енгиллатмоқда.

А. РАҲИМОВ ёзиб олди.

ОЛТИН ЁЗ

МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ

Бухоро вилоят Шофиркон туманидаги Максим Горький номли мактаб қошида ташкил этилган кундузги оромгоҳ болалар билан гавжум.

Оромгоҳда биринчи мавсумда 80 нафар ўғил-қиз мириқиб дам оляпти. Бунинг учун барча шарт-шароит яратилган. Туман халқ таълими бўлими шу мақсадларга ўн минг сўм маблағ ажратди.

«Моҳир қўллар», «Тасвирий санъат», «Бичиш-тикиш», «Бадиий ҳаваскорлик», «Шахмат-шашка» сингари тўгараклар мунтазам ишлаб турибди. Оромгоҳнинг сўлим боғида ўтказилаётган турли қизиқарли тадбирларда тўгарак қатнашчилари фаол қатнашмоқдалар.

Бундан ташқари жамоалараро ташкил этилган «Мингчинор» оромгоҳида 300 нафар ўсмир дам оляпти. Бу ерда ҳам болаларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун ҳамма нарса муҳайё. Болалар оромгоҳда дам олиш билан биргаликда токзорларни парвариш этишда яқиндан ёрдам беришаётир.

Туман ҳокимияти оромгоҳлар учун махсус автобус ажратган. Ўқувчилар Бухоро шаҳрига тез-тез саёҳатга бориб туришибди.

А. МЕЛЕХОВА.

ИШБИЛАРМОНЛАР САХОВАТИ

Мустақил республикамизда хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорлик кун сайин авж олиб бораётганининг гувоҳимиз. Куни кеча пойтахтимизда Ўзбекистон — Греция, Олимпия — Тошкент қўшма корхонаси иш бошлади. Мазкур қўшма корхонада мўйна пальто, пўстин ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Қўшма корхона раҳбарияти ишчи ва хизматчиларнинг иш шароитларини яхшилаш, уларнинг фарзандлари тарбияси ҳақида ғамхўрликни ўз бурчлари деб билишади.

Мазкур корхона вице-президенти Хадзис Афанасиос билан фирма вакили Лазаридис Алекос ҳамда Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти раҳбарлари 380-болалар боғчасида бўлишиб, кичкинтойларга совға-саломлар туҳфа этишганида ана шу саховат яққол намоён бўлди.

СУРАТДА: корхона вице-президенти Хадзис Афанасиос боғчада.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

ИККИ ИМТИҲОН

Бундан уч йил илгари Тошкент педагогика техникуми Низомий номидаги давлат муаллимлар тайёрлаш олий билим даргоҳи билан ҳамкорликда бошланғич синфлар учун малакали ўқитувчилар тайёрлайдиган педагогик коллежга айлантирилганди.

Орадан уч йилча вақт ўтди. Коллежга қабул қилинган биринчи қалдирғочлар бугунги кунда давлат имтиҳонларини топширишга киришдилар. Ёш мутахассисларнинг қай даражада билим ва тарбия олганликларини синаш ва давлат имтиҳонларини муваффақиятли ўтказиш мақсадида имтиҳон комиссияси тузилди.

— Комиссия сафига,— дейди коллеж директори М. Исмоилова, — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти кафедра мудири, педагогика фанлари доктори Ф. Мавлонова, Республика халқ таълими вазирлиги педагогик таълим ва фан бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Қ. Мўминхўжаев, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бўлим мудири А. Зиёмуҳамедов, ЎзПФИТИ бошланғич таълим бўлими мудири, педагогика фанлари доктори Қумри Абдуллаева, шаҳар мактаб директорлари, тажрибали ўқитувчилар киритилди.

Коллежнинг битириш имтиҳонларини энг юқори баҳога топшираётган ёшлар институт талабаси бўладилар. Битириш имтиҳонлари ёшлар учун ҳам давлат, ҳам институтга кириш имтиҳонларидир.

Мухбиримиз.

ЖАҲОН ТИЛИГА ЙЎЛ

Мустақил Ўзбекистонимизнинг порлоқ истиқболини зукко, билимдон ва уддаббурон кишилар белгилайди. Етук кишилар бўлиб камолга етиш учун фан-техника сирларини мукаммал эгаллаш, жаҳон тилларини ўрганиш тақозо этилади. Хорижий тилларни билиш, жаҳон эшикларини очиш, ўзга миллатлар ва элатлар ҳаётига, руҳий оламига кириб бориш демакдир.

Инглиз тилида дунёнинг жуда кўп миллатлари гаплашади. Ҳатто энг тараққий этган, афсонавий Америка Қўшма Штатларининг давлат тили инглиз тили ҳисобланади. Бинобарин, хорижий тилларни, шунингдек инглиз тилини болаларимизга боғча ёшиданоқ ўргатишимиз жоиз.

Пойтахтимиздаги 426-боғчада 80 нафар болага инглиз тили ўргатилмоқда. Инглиз тили машғулотларини малакали мутахассис Анна Артёмовна Арсенова олиб бормоқда.

Республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, вазир муовини Йўлдош Саиджонов, вазир муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев, бир гуруҳ олимлар ва шу соҳага дахлдор мутахассислар боғча иши билан яқиндан танишдилар, ўзаро фикр алмашдилар. Боғча жамоасининг инглиз тилини ўргатиш борасидаги ишлари ижобий баҳоланди. Шунингдек, ташаббусни кенг қулоч ёйдириш, хорижий тилларни республика ҳудудидаги бошқа мактабгача тарбия муассасаларида ҳам ташкил этиш хусусида бир фикрга келинди.

Нурободдаги 5-мактабнинг очилганига эндигина бир йилдан ошди. Бу масканда 678 ўқувчи таълим ва тарбия олади. Уларга 43 нафар малакали мутахассис билим беради. Мактабда деярли барча фанлар намунали тартибда жиҳозланган кабинетлари, компьютерлар, муҳташам спорт зали ўқувчилар ихтиёрида.

Ангрен шаҳрининг Оҳангарон тумани ҳудудларига қўшилиб кетган мўъжазгина бу шаҳарча асосан энергетиклар истиқомат қилишади. Бу мактаб ҳақида ҳали кўпчилик билмас, мен ҳам бир масала сабаб бўлиб шу мактабга боргандим...

АЁЛЛАР ШИКОЯТИ

«Оҳангарон» газетасининг таҳририятидаги ишхонамда ўтиргандим. Эшикдан ийманибгина икки аёл кириб келди. Саломлашдик. Ёш, юзи силлиқ, ўзига ғоятда оро берган, аслида хушрўй деб айтишга одамнинг тили бормайдиган аёл гап бошлади:

— «Маърифат» газетасининг мухбирлар пости шу ердами?

— Топдингиз, мен шу постнинг раҳбариман.

— Биз Нурободдаги 35-мактабнинг собиқ муаллимларимиз, шикоят билан келган эдик.

— Қани ўша ёзганларингиз, тортинманг, кучимиз етса шу ерда, етмаса «Маърифат»нинг Тошкентдаги таҳририятига бориб, таҳрир ҳайъати билан маслаҳатлашган ҳолда иш кўрамиз, — дедим унга юзланиб. Аммо иккинчи аёл нимагадир чурқ этмас, баъзан ҳамрохининг ёнида ўтирган ҳолда уни ниқтаб турарди.

— Ҳали ҳеч нарса ёзганимиз йўқ, оғзаки айтадиган бўлсам, директоримиз бизни ишдан ҳайдаб юборди.

— Сабаб? — дедим ажабланиб.

— Кўп дарс қолдирасизлар, сўнгра, бўлмағур гапларни важ қилди, ҳуллас, бизга ёрдам беринг.

— У бизни «бузуқ экансизлар», деб ишдан ҳайдади, — деди ниҳоят иккинчи аёл. Мен бу икки аёлнинг нимадандир ҳадиксираётганлигини сездим. Бироқ биринчи аёл мактаб директори, ўзининг ҳамжинси тўғрисида шундай гапларни гапирдики... Ҳуллас, аёллар билан кейинги куни ўша мактабнинг ўзида, эрталаб учрашишга келишдик...

Мактабга бормасдан аввал Нуробод қўрғони, ижроқўмига кирдим. Мени ижроқўм котибаси Гулсуной Ниёзова қабул қилдилар. Мактаб ҳақида, унинг раҳбарияти тўғрисида Г. Ниёзова тўлқинланиб гапирдилар. Унинг ўзи ҳам тарбиячи аслида. Бир вақтлар бу ердаги 2-ўрта мактабни бошқарган.

— Раиса Георгиевнанинг мактабимизга директор бўлиб келганлари айни муддао бўлди, — деди котиба. — У киши жуда катта педагогик тажрибага эга, Ангрен ва Нурободда яхшигина обрўси бор. Шу боис ҳам янги мактабни шаҳар мактабларидан ҳам ўтказиб юбордилар.

Мен Гулсунойдан кечаги икки аёл тўғрисида сўрамоқчи бўлдим-у, яна истиҳоло қилдим, ҳали исботланмаган нарсалар ҳақида нотаниш кишига бир нарса айтишни истамадим.

Мактабда мени директор Раиса Георгиевна Кучина қарши олди. Юзидан нур ёғилиб турган, ёши элликдан ошган бўлса ҳам, ҳали битмас-туганмас куч-ғайратга эга бўлган бу қувноқ аёлнинг юзидан бир нарсани — фақат адолат ва талабчанликни англадим. Директор мен билан танишибоқ мактаби, ўқитувчилари тўғрисида фахрланиб гапира бошлади. Фан кабинетларига, ўқитувчиларнинг дарсларига, спорт саройидаги машғулотларга, тарбиявий соат машғулотларига олиб кирди. Ўзининг ўқув бўлими мудирининг, айрим синф раҳбарларининг ишлари билан таништирди. Маълум бўлишича, мактаб жамоаси ўтган йилдан бери икки муҳим муаммо — ҳар бир ўқувчига чуқур билим ва илғор, ҳурматли кишилар тимсолида тарбия бериш устида иш олиб бормоқда.

Аммо изчиллик болаларга билим беришда биринчи ўринда туради. Мактабнинг педагогика кенгашида кўпинча тажрибали муаллимларнинг ёшларга мураббийлиги, дарсларда техника воситалари ва кўргазмали ўқув қуролларидан унумли фойдаланган ҳолда ўқувчи билимини ошириш, ҳозирги замон дарсларининг рационал мазмуни сингари мавзулар атрофлича муҳокама қилинади. Бундан ташқари ҳар бир ўқитувчи ўзи ўқитаётган талабанинг нима учун у фақат «4» баҳо ёки айтайлик «3» баҳога ўқиши сабабларини чуқур ўрганади, ҳар бир ўқувчининг дарсига, билим олиш кўламига, дарс тайёрлаш вақтига алоҳида ёндашади.

Янгилаш даври, янгиланиш даври

НУРОБОД ЗИЁСИ

ЭРТАКЛАР ОЛАМИ

Биз мактабларнинг ичкарию ташқарисини чучмал шиорлар, қаердаги, одам тушунмайдиган плакатнамо расмлар, ҳеч ким ўқимайдиган ва ўқиса ҳам тўғри тушунмайдиган турли трафаретларга ўрганиб қолганмиз. Ҳатто мактабларни текшириш учун келган халқ таълимининг йўриқчилари ҳам аввало бунга эътибор беришарди. Мен бу мактабда ўша трафаретларни кўрмадим ва аксинча билим даргоҳининг кўзга кўринарли жойларида эртаклар олами сеҳрларига рўбарў келдим. Бошланғич синфлар ўқийдиган бино залларида «Уч оғайни ботирлар», «Алпомиш» эпосининг қаҳрамонлари тасвирланган ажойиб манзаралар, «Зумрад ва Қиммат» эртаги асосидаги чиройли расмлар киши диққатини ўзига тортади. Шу нарсанинг гувоҳи бўлдимки, ҳар бир ўқувчи, мактаб залларига ишланган расмлар олдида соатлаб турса ҳам зериқмайди. Мана, Кенжа ботирнинг аждар билан олишуви, мана буниси Насриддин афанди қиёфаси. Расмда халқ қаҳрамонининг ҳалоллиги, ростгўйлиги, ҳажвий ҳолатлари бир неча тасвирда шу қадар ажойиб, образли қилиб ишланганки, беихтиёр унинг ёнидан лоқайд ўтиб кетолмайсиз.

— Оталиқ ташкилотимиз — Янги Ангрен ГРЭСининг жуда моҳир рассоми бор, — дея изоҳ беради менга Раиса Георгиевна. — Ўша йигитга ҳамма сюжетни ўзимиз берганмиз. Мана, кўрдингизми, адабий қаҳрамонлар, Онегин, Ленский, Каренина, Навоий, Лутфий, Бобур. Мен ўзбек адабиёти ўқитувчилари билан ҳам гаплашиб Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Қодирий асарлари асосида ҳам суратлар чиздиришни тавсия этдим. Деярли ҳамма синфларда атоқли давлат арбоби Шароф Рашидовга бағишланган стендлар бор.

(Давоми 4-бетда).

МИННАТДОРМИЗ

Ўттиз йилдан буён ёш авлодга таълим-тарбия бериб келаётган ўқитувчилардан бириман. Иш фаолиятим даврида жуда кўп раҳбарларни кўрганман. Бироқ Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаб, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида жумҳуриятнинг порлоқ истиқболи йўлида жонбозлик кўрсатаётган муҳтарам юртбошимиз олиб бораётган сиёсатдан беҳад мамнунмиз.

Назаримда, аввало, Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистонимизнинг келажагида маънавиятнинг ролига эътибор бераётгани айни муддаодир. Унинг ижодкорлар билан ўтказган суҳбатида айтган «Маънавият йўқ жойда тараққиёт йўқ» деган гапларида катта маъно бор.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасининг илмий ва ижодий салоҳиятини сақлаш ва мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикасида таъсис этилган фахрий унвонлар нуфузини ошириш мақсадида эълон қилинган Вазирлар маҳкамаси қарори ана шу ғамхўрликнинг ёрқин далилидир. Бу тадбир, шубҳасиз, илм-фан, маданият, маорифимиз ва халқ хўжалигининг барча соҳаларида янгидан-янги муваффақиятларга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Дилором ЗОКИРОВА,
Тошкент шаҳридаги 216-мактабнинг тил ва адабиёт муаллими, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.

ЎҚИТУВЧИЛАР—ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ АЪЗОСИ

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда биринчи марта Республика ижодкор ўқитувчиларининг адабий анжуманини ўтказиб, бир талай талантли ижодкор-ўқитувчилар кўзга ташланган эди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг навбатдаги котибият йиғилишида ижодкор ўқитувчилардан икки киши — Ғози Раҳмон ва Баҳром Маҳмуд уюшма аъзолигига қабул қилиндилар.

Ҳар икки ижодкорни кўп сонли газетхонларимиз номидан қизғин табриклаб, педагогик ва бадиий ижоддаги фаолиятларида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз!

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1993 йил 5 февралда «Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги фармонга имзо чеккан эди. Фармонга биноан қуйи уч босқичдан ўтиб, республика миқёсидаги олимпиадаларда I—II—III ўринларни эгаллаган XI синф ўқувчиларига олий ўқув юртларига имтиҳонсиз кириш ҳуқуқи берилган эди. Олимпиадалар якунига кўра, 74 нафар ўқувчи ёшлар шундай ҳуқуқни қўлга киритдилар. Ғолибларни чин дилдан қутлаймиз!

1993 ИЙЛ МАРТ ОЙИДА ЎТКАЗИЛГАН 11-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА

ОЛИМПИАДАСИ ҒОЛИБЛАРИ

т/р	Исми шарифи	Мактаб	Синфи	Ўрин	Манзили
	ҲУҚУҚШУНОСЛИК				
1.	Руслан Магдеев	6	XI	I	Ангрен шаҳри
2.	Бобохон Ҳамидов	лицей	XI	II	Урганч шаҳри
3.	Маъмура Исмоилова	23	XI	III	Андижон вилояти.
	РУС ГУРУҲЛАРИДА РУС ТИЛИ				
1.	Вероника Рудановская	110	XI	I	Тошкент шаҳри
2.	Юлия Мезенцева	182	XI	II	Тошкент шаҳри
3.	Алишер Муллабеков	7	XI	III	Наманган шаҳри
	БИОЛОГИЯ				
1.	Саида Мирҳамидова	144	XI	I	Тошкент шаҳри
2.	Дмитрий Хегай	19	XI	II	Тошкент вилояти
3.	Ойбек Турдиев	34	XI	III	Сурхондарё вилояти.
	МАТЕМАТИКА				
1.	Зариф Собиров	45	XI	I	Хоразм вилояти
2.	Темурмалик Маруфов	45	XI	II	Самарқанд вилояти
3.	Тўлқин Болгаев	164	XI	III	Бухоро вилояти.
	ФИЗИКА				
1.	Владислав Оник	110	XI	I	Тошкент шаҳри
2.	Ҳамидулло Отажонов	20	XI	II	Урганч шаҳри
3.	Олег Кабайкин	33	XI	III	Тошкент вилояти.
	ГЕОГРАФИЯ				
1.	Алишер Ўсаров	5	XI	II	Сурхондарё вилояти
2.	Нилуфар Турсунова	31	XI	I	Бухоро вилояти
3.	Хушнудбек Саидов	17	XI	III	Урганч шаҳри.
	НЕМИС ТИЛИ				
1.	Наталья Борисенко	48	XI	I	Самарқанд вилояти
2.	Света Собирова	90	XI	II	Тошкент шаҳри
3.	Феруз Сафоев	18	XI	III	Бухоро вилояти.
	ФРАНЦУЗ ТИЛИ				
1.	Улуғбек Мансуров	14	XI	I	Хоразм вилояти
2.	Гулнора Акрамова	184	XI	III	Тошкент шаҳри.
	ИНГЛИЗ ТИЛИ				
1.	Азиз Отақўзиев	64	XI	I	Тошкент шаҳри
2.	Пўлат Юнусов	43	XI	II	Тошкент
3.	Софья Аронзон	45	XI	III	Самарқанд вилояти.
	АРАБ ТИЛИ				
1.	Мухлиса Мусажонова	22	XI	I	Тошкент шаҳри
2.	Жамшид Норматов	29	XI	II	Тошкент шаҳри
3.	Тўтиёхон Абдулазизова	1	XI	III	Фарғона вилояти.
	ФОРС ТИЛИ				
1.	Нозима Абдураҳмонова	119	XI	I	Тошкент шаҳри
2.	Дилором Машарипова	21	XI	II	Хоразм вилояти
3.	Зилола Неъматова	119	XI	III	Тошкент шаҳри.
	ҲИНД ТИЛИ				
1.	Зиёда Пўлатова	92	XI	I	Тошкент шаҳри
2.	Одинахон Мамажонова	36	XI	II	Андижон вилояти
3.	Наргиза Мустафоқулова	24	XI	III	Тошкент шаҳри.
	УРДУ ТИЛИ				
1.	Жамила Сотқинова	37	XI	I	Андижон вилояти
2.	Дилфуза Аъзамова	156	XI	II	Тошкент шаҳри
3.	Зулфия Абдалиева	37	XI	III	Андижон вилояти.
	ХИТОЙ ТИЛИ				
1.	Улуғбек Шосаидов	59	XI	I	Тошкент шаҳри
2.	Жасур Зиямуҳамедов	59	XI	II	Тошкент шаҳри
3.	Дилором Жўраева	5	XI	III	Наманган.
	ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ				
1.	Нарғиз Оллаберганова	лицей мактаби	XI	I	Урганч шаҳри.
	ЎЗБЕК МАКТАБЛАРИДА РУС ТИЛИ				
1.	Ҳамида Пирназова	5	XI	I	Ангрен шаҳри
2.	Наргиза Зияева	32	XI	II	Фарғона вилояти
3.	Ҳилола Расулова	127	XI	III	Тошкент шаҳри.
	ҚОЗОҚ ТИЛИ				
1.	Бахытжон Сарыбаева, Ильич номли мактаб		XI	I	Қўнғирот
2.	Гаупар Уразалиева	28	XI	II	Тошкент вилояти
3.	Светлана Калдыбекова	31	XI	III	Тошкент вилояти.
	ЭҲМ				
1.	Леонид Тин	61	XI	III	Тошкент шаҳри
	ТОЖИК ТИЛИ				
1.	Рашид Акбаров, К. Маркс номли мактаб		XI	I	Фарғона вилояти
2.	Шахноза Ҳамидова, К. Шарипов номли мактаб		XI	II	Самарқанд вилояти
3.	Сирожиддин Хўжақулов, Ҳ. Бойсун номли мактаб		XI	III	Қашқадарё вилояти.
	ҚОРАҚАЛПОҚ МАКТАБЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ				
1.	Бағдагул Альжанова, Кунходжа номли мактаб		XI	I	Қорақалпоғистон
2.	Гулсанем Юсупова, Бердак номли мактаб		XI	I	— «» —
3.	Хатийша Есенова, Низомий номли мактаб		XI	II	— «» —
4.	Шукиржон Сметуллаева, Махтумқули номли мактаб		XI	II	— «» —
5.	Зулфия Сагатова, Эжиниёз номли мактаб		XI	II	— «» —
6.	Раъно Бегелиева, Р. Сапаров номли мактаб		XI	II	— «» —
7.	Тамара Жумагалиева	15	XI	III	— «» —
8.	Алтынай Тилеумбетова, Киров номли мактаб		XI	III	— «» —
9.	Азатбай Байнымбетова, Терешкова номли мактаб		XI	III	— «» —
	РУС МАКТАБЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИ				
1.	Қурбонгул Ниязбекова, Ленин номли мактаб		XI	I	— «» —
2.	Малика Реимова, Ленин номли мактаб		XI	I	— «» —
3.	Хурлиман Косбергенова, Ломоносов номли мактаб		XI	II	— «» —
4.	Саятхон Исакова, М. Горький номли мактаб		XI	II	— «» —
5.	Роза Жаксымуратова, Октябрнинг 60 йиллиги номли мактаб		XI	II	— «» —
6.	Гулмира Бостанова, СССРнинг 60 йиллиги номли мактаб		XI	III	— «» —
7.	Зауре Абдужамилова, Гагарин номли мактаб		XI	III	— «» —
	МАХСУС КЎЗИ ОЖИЗЛАР МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ ЎҚУВЧИЛАРИ. ОНА ТИЛИ				
1.	Музаффар Мукаррамов	45	XII	II	Наманган вилояти
2.	Зафар Очилов	24	XII	II	Бухоро вилояти
3.	Эльбур Исломов, мактаб-интернати		XII	III	Тошкент шаҳри.
	МАТЕМАТИКА				
1.	Ақмурод Ўтамуродов, мактаб-интернати		XII	III	Тошкент шаҳри
2.	Баҳодир Абдулҳамидов	16	XII	I	Андижон вилояти
3.	Сайдулло Сафаев	121	XII	II	Хива шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Бугунги кунда республика олимпиадасида ғолиб чиққан битирувчи синф ўқувчилари бу ёғи қандай бўлдийкин, деган ташвиш билан яшаётганлиги тайин. Масалага ойдинлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий ўқув юртлари бош бошқармасининг бошлиғи ўринбосари Алишер Каримовдан мухбиримиз олимпиада ғолибларини олий ўқув юртларига қабул қилиш тартиб-қоидалари хусусида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг республика олимпиадаси ўтказилгач, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартда «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини моддий рағбатлантириш ва тақдирлаш тўғрисидаги» 157-сонли қарори эълон қилинди, — деди А. Каримов. — Шунга биноан республика Халқ таълими вазирлигига ғолибларни аниқлаб, уларнинг тасдиқланган рўйхатини Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган абитуриентларни Олий ўқув юртига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига тақдим этиш юклатилган. Ғолибларга берилган махсус ғолиблик гувоҳномаси эса олий ўқув юртлари қабул комиссиясига топшириладиган асосий ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Энди маълум бир фан бўйича ғолиб чиққан ўқувчи қайси олий ўқув юртига кириши мумкин, деган муаммо юзага келади, албатта. Буни ҳал этиш учун бошқармамиз томонидан мактаб ўқувчилари олимпиадаси фанларининг олий ўқув юртларининг қайси мутахассисликларига мос келиши белгиланди. Масалан, математика фани бўйича ғолиб чиққан ўқувчи математика, амалий математика ва шунга ўхшаш мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртларига тест синовларисиз, имтиҳонсиз қабул қилиниши мумкин. Ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича олимпиада ғолиби бўлган битирувчи синф ўқувчилари эса ўзбек филологияси, ўзбек тили ва адабиёти каби мутахассисликлар бўйича ўқишга киришлари қайд этилди.

Олимпиада ғолибининг қаерга ўқишга бориши билан боғлиқ яна бир масала ҳам ҳал этилган. Агар ўқувчи ғолибликни эгаллаган олимпиада фани танланган мутахассислигига мос келса, у олий ўқув юрти республиканинг қайси вилоятида, шаҳрида бўлишидан қатъи назар фармонда белгиланган ҳуқуққа биноан қабул қилиниши шарт.

ИЛҒОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўқув йили якунига кўра илғорларни тақдирлаб бориш С. Раҳимов туманида яхши анъанага айланган. Ана шу мақсадда туман ҳокимияти ва халқ таълими бўлими томонидан ташкил этилган «Энг яхши мактаб раҳбари», «Илғор ўқитувчи», «Намунали ўқувчи» кўрик-танлови кўтаринки руҳда ўтди. Обид Содиқов номли 249-ўрта мактабда эса илғорларга мукофотларни топшириш маросими бўлди. Туман ҳокими Х. М. Абдураимов устоз ва ўқувчиларни эришилган муваффақиятлар билан табриклаб, уларни янги ўқув йилида ҳам янгидан-янги зафарлар тилади.

Ҳокимият томонидан ғолиблар учун 101 минг пул мукофоти ажратилганди. Тумандаги 249-мактаб (директори Х. Аҳмедова), 29-мактаб (директори С. Азизхўжаева), 243-мактаб (директори Н. Нишонова) директорлари энг яхши раҳбар бўлганликлари ҳисобга олиниб, улар мукофотга лойиқликлари таъкидланди. Ўқитувчилар, яъни рус синфларида ўзбек тилидан дарс берувчилардан, 15-мактабдан Т. Сатторов, 278-мактабдан М. Файзиева ва 169-мактабдан М. Сафаеваларга, чет тили ўқитувчиларидан, 159-мактабдан Г. Морозова, 1-мактабдан М. Ашурбоева, 249-мактабдан С. Қамбарбековаларга ҳам пул мукофотлари топширилди. Шунингдек, олимпиадаларда намунали қатнашган ўқувчилар ва уларнинг муаллимлари, «Илҳом чашмалари — 93» да иштирок этган мусиқа бадиий ҳаваскорлар ва уларнинг устозлари ҳам муносиб тақдирландилар.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

Муаллиф суратлари.

«ДАВРАГА КЕЛ, ДУГОНАЖОН»

Ўзбекистон ойнаижаҳонида «Ёшлик» студияси томонидан «Даврага кел, дугонажон» номли янги кўрсатувнинг ташкил этилганлиги унинг суратга олинадиган вақти ва манзилини эшитиб, Муқимий номли театрга борганимда, театр атрофи ниҳоятда гавжум, байрамона бир қиёфада эди.

Шу куни бу театрда Бухоро давлат дорилфунуни ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти талаба қизлари «Даврага кел, дугонажон» телевизион кўрик-конкурсининг илк қалдирғочлари бўлиб саҳнага чиқишди.

Бўлажак муаллимлар мусобақа дастурида белгиланган саломлашиш, касбни улуғлаш, қувноқ ҳангомалар ижро этиш маҳорати каби шартларни мукаммал даражада бажаришиб, нафақат ўз касб йўналишлари бўйича, балки санъат ва адабиёт, бошқа соҳаларда ҳам етук истеъдод соҳибаси эканликларини, билимлари, зукколиклари, топқирликларини намоён этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар Иттифоқи, жумҳурият ойнаижаҳони, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирликлари ҳамкорликда ташкил этган мазкур телевизион кўрик-конкурс мавзуларнинг ранг-баранглиги, дилтортарлиги, миллий, урф-одатларимиз, қадриятларимиз адабиёт ва санъатга чексиз ҳурмат руҳида эканлиги билан диққатга сазовор. Бу кўрик-конкурснинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, биринчидан талаба қизлар орасидан ўта истеъдодли ёшларни кашф этиш, иккинчидан эса, уларнинг билим олишлари, дунёқарашлари ва маҳоратларини юксалтиришга ёрдам беради.

«Даврага кел, дугонажон» илк беллашувини бошлаб берган Бухоро давлат дорилфунуни талаба қизлари ўзларининг миллий либослари, одоби, самимияти, мусобақада ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти қизлари эса қувноқликлари, ҳаракатларининг гўзаллиги билан томошабинларга манзур бўлишди.

Бир сўз билан айтганда, бу кўрик-конкурснинг ташкил этилганлиги Ўзбекистон ойнаижаҳони ижодий изланишларининг самараси, катта муваффақиятидир. Муболағасиз айтиш мумкинки, «Даврага кел, дугонажон» қизлар мусобақаси кенг томошабинлар оммасига манзур бўладиган умри узун, севимли кўрсатув бўлиб қолади.

З. УСМОНОВА.

ЁШЛИКДА МЕҲР ҚЎЙСА...

Ўқувчи мактабга қадам қўяр экан, у аввало, кузатишни теварак-атрофдан бошлайди. Хоналар жиҳози, дераза олдидаги гуллар, жонли аквариумларни кўриб қанча хурсанд бўлса, акс аҳволни кўриб шунчалик тундлашади. Болани табиатга, жонзотларга меҳрибон қилиб тарбиялаш мактабда хоналар жиҳозига илк муносабатдан бошланади.

Биринчи синфда ўтилиши керак бўлган «Теварак-атроф билан таништириш» китобида мактаб атрофини тозалаш, гулларни парваришлаш каби мавзулар орқали экологияни ўрганишга киришилади. Дастлаб ҳаво, сув, тупроқ таркиби ва ундан фойдаланиш каби мавзуларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги даврда экологияни ўрганиш ва унинг ифлосланишига қарши курашиш мактаб ўқувчиларининг ҳам вазифасидир. Уларга айни пайтда долзарб бўлган Орол муаммоси ва уни ҳал этиш борасида олиб борилаётган тадбирлар ҳақида тушунча бериб ўтиш ҳам болани келажакни унутмасдан иш юритишга ўргатади.

«Табиатни асраш ва яшил бойликларни кўпайтириш» мавзусида рангли суратлардан фойдаланиш ўқувчини мукаммалроқ тасаввурга эга қилади. Бундан ташқари ўқувчилар билан турли хил саёҳатлар уюштириш, гербарийлар тўплаш ва инсон организми учун доривор ўсимликлар (ялпиз, исмалоқ, чучмома, қоқи ўтлар ва бошқалар) тўплашиб, альбомлар ташкил қилиши лозим.

3—4-синф ўқувчилари бу борада кўпроқ мустақил иш олиб борса бўлади. Улар доимо ўқитувчи назорати остида бўлиб, иш натижалари рағбатлантирилиб борилса, ўқувчилар ўртасида табиатга бўлган қизиқиш ва уни асрашга янада ҳавас ортади.

Ш. НОРҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти Ш. Рашидов туманидаги 20-мактаб ўқитувчиси.

Олий ўқув юрти мураббийлари

ЭЪТИҚОД

Инсон бир марта дунёга келади, ўзи билан нурни етаклаб юришни ният қилади. Унинг умр йўллари, умр мазмуни нималарда кўринади? Бирор касб ёки ҳунарни эгаллаш, ота-боболар касбу ҳунарларига эътиқод, халқ ва жамиятга келтирган фойдаси, муаммолар ечими, сирасини айтганда, эзгулик ва яхши амаллар... Юбиляр олим ва муаллимлар ҳақида газетамизда берилаётган катта ва кичик мақолаларда шу жиҳатлар акс этмоқда. Бироқ бу мавзудаги барча материалларни талаб даражасида дейиш қийин.

Яқинда Ангрендан шу мавзудаги мақолани олдик. Унинг муаллифларидан бири профессор, бири куллиёт декани. Мақола вилоят педагогика институти ректори Наримон Иброҳимовнинг 60 йиллигига бағишланган. Бироқ мақоладан редакция қониқмади. Н. Иброҳимов бу олий илм даргоҳини оёққа турғазган, масъул вазифаларда ишлаб, катта тажриба орттирган ташкилотчи раҳбар олимлардан бири. Шогирдлар устознинг педагогик илмий фаолиятига доир муҳим қирраларни, билиб, уни қоғозга туширса, нур устига аъло нур бўлади. Учинчи бир одам ҳам шу мақолани чиқаришни кўп марта илтимос қилди. Лекин мақола... Ниҳоят, таҳририят махсус мухбири учинчи одам билан Наримон Иброҳимовнинг илмий педагогик фаолияти хусусида суҳбат қилди. Мазкур мўъжазгина мақола шу суҳбат маҳсулидир.

* * *

...Наримон Иброҳимовни 1985 йили шу олий илм даргоҳини оёққа турғазиш учун ректор қилиб ишга юборишганди. Наримон Иброҳимов дастлаб институтнинг ички ҳаёти билан обдон танишиб чиқди. Энди унга барча муаммолар аён эди. Профессор-ўқитувчилар ўртасида гуруҳбозлик, порахўрлик патактомир отганди. Уларнинг илдизини дарҳол қирқмоқ даркор. Ҳаммага адолатли бўлгандагина ишт қолипдан кўчади. Шундай қилди. Натижада шикоятчилик ва порахўрлик илдизлари қирқилди. Соғлом маънавий муҳит юзага кела бошлади. Энди институтни малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаши шарт. Қандай қилиб? Дастлаб у Тошкент олийгоҳларидан айрим олимларни бу ерда ишлашга даъват этди. Уларнинг баъзилари эса квартира олгач, уй-жойларини Тошкентга алмаштириб, қуён бўлиб қолишди.

Энди кадрлар масаласида бошқача йўл тутмоқ даркор. Институтни аъло баҳолар билан битирган истеъдодли ёшлар ҳисобига малакали ўқитувчи ва олимлар тайёрлаш даркор. Шундай фикр ўтди унинг кўнглидан.

Институтда иқтидорли ёшларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларни илмий муаммоларни ҳал қилишга даъват этди. Ёшлар ҳисобига олимлар сафи йилдан-йилга кўпайди. Агар институтда 1985 йилгача 36 фан номзоди бўлган бўлса, кейинги йиллари 20 дан ортиқ маҳоратли ёш долзарб мавзуларда номзодлик ишларини ҳимоя қилди. Илмий ишлар тизими мактаб ва олий таълим ҳамкорлиги, экология ва табиат ресурсларидан фойдаланиш масалаларига бағишланганлиги билан аҳамиятга моликдир.

Ангрен қадимий гўзал водий, табиий ресурсларга бой, кўп миллатли водий. Шунга кўра, институтда кенг профилли мутахассис тайёрлаш лозим эди. Н. Иброҳимов, давр ва ҳаёт талабларидан келиб чиқиб янги куллиётлар ва бўлимлар очди. Ҳозирги вақтда 6 та куллиёт ва кўплаб бўлимлар ишлаб турибди.

Ректор ташаббуси билан тарих ва инглиз тили гуруҳлари иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Тил ва адабиёт, тоғ саноати, математика, бошланғич таълим методикаси, география фанлари бўйича етук мутахассислар тайёрланмоқда.

Наримон Иброҳимов фанларнинг ўқув режаларини замон талаблари асосида ташкил этди. Ўқув жараёнлари компьютерлаштирилди. Айни пайтда компьютер синфхоналари ДВК — 1, ДВК — 2, «Искра», «Агат» ва бошқа машиналар билан жиҳозлантирилган. Техника талабаларнинг билимни амалиёт билан боғлашларига қанот бўлмоқда.

Институт моддий базасининг мустаҳкамланишида ректорнинг хизматлари катта бўлаётир. 12 гектар майдонда институтнинг янги бош корпуси қад ростлай бошлади. Бироқ бозор иқтисоди тангликлари қурилишга «дард» бўлаяпти. Шунга қарамай, илмий даргоҳнинг ўз маблағи ҳисобига талабалар маданий маркази, ётоқхона, умумий овқатланиш корхоналари бинолари қурилиб битказилди.

Наримон Иброҳимов олдинлари собиқ партия, совет ва комсомол органларида ишлаб катта тажриба тўплаган. Эндиликда институтнинг юрак уришида, долзарб илмий муаммоларни ҳал этишда, тарихчи олим ва ректор сифатида унинг ҳиссаси катта, албатта. Ҳа, умр йўллари интилиш, кураш ва изланиш билан чароғон. Бу нурлар катта илмий-олий педагогик жамоа профессор-ўқитувчилари ва талабалар қалбига кўчган.

Ўз мухбиримиз.

Ўсмир ва тарбия

ШУНДАЙ МАКТАБЛАР БОР

Мустақиллик шарофати билан бугунги кунда илгари халқ назаридан четда қолиб келган айрим ташкилот ва муассасаларнинг иш фаолиятлари тўғрисида ҳам эркин фикр-мулоҳаза юритиш имконига эга бўлдик.

Ана шундай ташкилотлардан бири милиция органлари эди. Ҳозир бу органларнинг ҳам халқдан яширадиган сири қолмади ҳисоб: деярли ҳар куни кенг оммавий ахборот воситалари уйинг бутун фаолиятини атрофлича ёритиб бормоқда. Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ва барча хизмат бошқармалари раҳбарияти ҳам аҳолини ҳақиқий аҳвол билан мунтазам таништириб турибди. Айниқса, Республикамиз Президентининг шахсий ташаббуси билан милиция органларининг уюшган жиноятчиликка қарши бошлаган кураши халқимизнинг уларга нисбатан эътиборини оширмоқда.

Булар ҳаммаси яхши, албатта. Бироқ ички ишлар органларида ҳали ҳам кескин муаммолар йиғилиб турган бир соҳа бўлиб, бу — ахлоқ тузатиш — меҳнат муассасаларидир.

Бу мақолада ушбу муассасалар фаолиятининг муҳим қисми муассасалар қошидаги ўрта умумтаълим мактаблари, янада аниқроғи, бу мактабларда она тили ва адабиёт фанини ўқитиш билан боғлиқ бўлган муаммолар хусусида фикр юритмоқчимиз.

Маълумки, жиноятчига фақат жазо бериш билан, жазони ўташ жойларида қаттиқ тартиб-интизом ўрнатиш билангина тарбия бериб бўлмайди. Ҳар ҳолда, ўтган етмиш йил мобайнида бунга эриша олмадик. Аксинча, бу вақт ичида жиноятчилар олами янада тубанлашди, содир этилаётган жиноятларнинг характери янада ёвузлаша борди. Бу уларнинг, умуман, жамиятнинг маънавий тубанлашувининг натижаси бўлди. Шу жиҳатдан, ахлоқ тузатиш ва тарбия масканлари тизимида мактабнинг аҳамиятини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Бу муассасалар қошидаги ўрта мактаблар асосий тарбия ўчоғи бўлиб, ўқувчиларига одатдагича таълим-тарбия беришгина қолмайди, балки уларга қайта таълим-тарбия беради, уларда нотўғри шаклланаётган ахлоқни тўғри йўлга солади, ўзларини жиноятчилар оламининг чиркин қучоғидан ажратиб олиб, маънавиятини поклайди ва жамиятимиз учун муносиб кишилар қилиб етиштиради. Бу мактаблар кўпчилик маҳбусларда ўқиб-ўрганишга, ўз билим савиясини оширишга нисбатан аллақачон сўниб қолган ихлосни қайта тиклаб, ўқувчиларда ўқиш-ёзишга муҳаббат уйғотади. Бунинг учун ҳар бир дарсга ижодкорона ёндашиш, уни қизиқарли ва сермазмун қилиб ташкил эта билиш талаб қилинади. Шу маънода, бу мактабларнинг бошқа мактабларга қараганда янада кўпроқ куч сарфлашига, ўқитувчиларнинг ўз устиларида мунтазам ишлашларига ва таълим беришнинг янги-янги самарадор услубларини кашф этишларига тўғри келмоқда.

Бу тарбия масканида турли жиноятлар содир этиб қамалган ўсмирлар қайта тарбияланади. Шунинг ўзиёқ бу ўқувчиларнинг кимлигини кўрсатиб турибди. Бироқ, бу ёшлар маълум муддатга озодликдан маҳрум этилгани билан билим олиш ёки касб эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этилмаган. Аксинча, таълим-тарбия ва меҳнат бу йўлдан адашган ёшларни тарбиялашнинг муҳим омили саналади.

Тарбияланувчиларнинг кўпчилиги нотинч оиладан чиққан, турли сабаблар билан мактабда узлуксиз таълим-тарбия олмаган ўспиринлар бўлгани учун бошқа тенгдошларига ҳамда ўз ёшларига нисбатан назарий билим савиялари паст, амалий тажрибалари кам, фикрлаш доиралари тор ва носоғлом дунёқарашга эга болалардир.

Бошқа мактаблар қатори, бу мактабларнинг ҳам асосий вазифаларидан бири фан асосларини пухта эгаллаган, оғзаки ва ёзма нутқлари яхши ривожланган, маънавий соғлом ёшларни тарбиялашдир. Маълумки, боланинг адабий нутқига дастлаб оилада ва боғчада асос солинади, мактабда эса бу нутқ назарий билим ва тажриба билан такомиллаштирилиб, кўникма ҳосил қилинади.

Афсуски, бу ўсмирлар гўдакликдан ширин сўз ва яхши муомала одобидан бенасиб ўсган, эрта ёшдан кўча ҳаётига ўрганган, асосий вақтларини ўқиш ўрнига ўзи сингари бетайин тенгқурлари ва айрим катта ёшли нопок кимсалар даврасида ўтказганликлари туфайли уларнинг адабий тил бойликлари жуда чекланган, билганлари эса кўпинча ҳақорат ва вульгар сўзлардан иборат, бадиий нутқ кўникмалари ривожланмаган болалардир.

Жиноят содир этган бола милициядан кейин даставвал қамоққа олиб келинади ва суд ҳукмига қадар ҳафталаб, ойлаб (баъзан йиллаб) шу ерда сақланади. Бу давр ичида у мактабда ўқиб, ўз билими ва нутқ маданиятини ошириш имконига эга бўлмайди. Чунки республикамиздаги қамоқхоналарда ўқиш-ўқитиш ишлари йўлга қўйилмаган. Аксинча, ўсмирларнинг нутқи худди ана шу пайтдан бошлаб кескин бузила бошлайди. Бу ерда у ўзига ўхшаган кўплаб ёш қонунбузарлар билан бирга бўлади ва уларнинг адабий тилдан йироқ тилдаги олди-қочди саргузаштларини тинглайди, улардан ўзи билмаган турли-туман вульгар сўз ва жаргонларни ўзлаштиради, билганларини бошқаларга ўргатади.

Бундан ташқари, у бу ерда катта ёшдаги маҳбуслар билан ҳам алоқа қилиш имконини топади ва кўпинча пихини ёрган жиноятчилар таъсирига берилиб, улар ҳомийлигида колония ҳаётига тайёрлана боради. Жиноятчилар дунёнинг урф-одатларини, айниқса, унинг тилини, турли беҳаё латифаларию безорича қўшиқларини кўп биладиган киши эса у ердагилар удумича, «юрган» — кўпни кўрган ҳисобланади ва улар орасида муҳим ўринни эгаллайди. Шу мақсадда кўпчилик болалар ўзлари асл маъноларини англамаган ҳолда бўлсада, айрим сўз ва ибораларни юзаки ёд олишади ва уларни ижобий маънодаги сўзлар билан бирга ишлатаверишади.

Албатта, бу болалар орасида биттаиккита бўлса-да, эслироқ, қамоқхона маъмурлари бериб турадиган газета-журналларни кўпроқ ўқишга ёки кўпроқ хат ёзишга мойил ўспиринлар ҳам учраб туради. Бироқ педагог назорати бўлмагач, дарров уларга тазйиқ ўтказилади ва улар ўқиш деса безадиган бўлиб қолишади.

Шуни айтиш керакки, бу тарбияланувчилар жумҳуриятнинг турли вилоятларидан келганлиги сабабли кўпчилигининг нутқида шева элементлари яққол сезилиб турса, кўпчилик шаҳарлик ўқувчиларнинг нутқида русча ибора ва жаргонлар тўлиб-тошиб ётади. Айрим болалар нутқида эса бу нуқсонларнинг бари аралашиб кетади.

Ўқувчилар ёзма нутқларининг аҳволи янада жиддийроқ. Бу табиий ҳол, чунки кишининг ёзма нутқи юқори савияда бўлиши учун биринчи навбатда унинг оғзаки нутқи ривожланган бўлмоғи лозим. Яна у катта луғат бойлигига эга бўлиши, ҳар битта сўзни ўрни-ўрнида тўғри қўллай билиш, улардан аниқ ва лўнда гаплар, гаплардан эса мазмундор жумлалар туза олиш иқтидорини эгаллаган бўлиши керак. Шунингдек, у таъсирчан ёзма нутқ эгаси бўлиши учун тил услубларини, сўзларнинг бўёғини, бадиий тасвир воситаларини ҳамда нутқ одобини ўзлаштириши талаб этилади.

Булардан ташқари, малакали ёзма нутқни ўқувчиларнинг саводхонлиги ва ҳуснихатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Афсуски, бу мактабга келадиган аксарият болалар саводсиз бўлиб, улар ёзувда тиниш белгиси нима эканлигини деярли билишмайди, сўзларда қўпол имло хатоларга йўл қўйишади. Уларнинг ёзуви ҳам турли график нуқсонларга тўла. Буларнинг ҳаммаси ўз вақтида қунт ва ихлос билан пухта билим олмаганликнинг оқибатидир.

Масалани кенгроқ олиб қарайдиган бўлсак, балоғатга етмаганлар ўртасида йил сайин авж олиб бораётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг бир илдизи ўсмирнинг оиласида, маҳалла-кўйда бўлса, унинг иккинчи илдизини мактабдан, у таълим-тарбия олаётган илм даргоҳидан қидириш керакка ўхшайди. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бу илдизнинг бир учи, энг аввало, болага одобнома, она тили ва адабиёт, тарих ўқитган муаллимига ҳам бориб тақалади. Чунки она тилини ўрганиб, яхши сўзлашни, адабиётни ўқиб инсонпарварликни, тарихни ўрганиб ватанпарварликни, одобномани ўрганиб хушахлоқликни ўзида мужассам этган ўқувчининг жиноят кўчасига кириши қийин. Ўқувчи бундай йўлга кирибдими, демак, иккаловидан биттаси бўлиши мумкин: ё у мактабга қатнамаган ёки устозларининг шахсан шу ўсмирга сарф-лаган меҳнатлари зое кетган.

Ёш жиноятчилар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг таркибини ва характерини ўрганиш шуни кўрсатадики, жиноятларнинг аксарият қисми ўқиш-ёзиши ўлда-жўлда бўлган ёшлар томонидан содир этилади.

Хўш, ахлоқ тузатиш муассасалари ва тарбия масканлари қошидаги мактабларнинг ўзида аҳвол қалай? Бу ерда она тили ўқитиш, ўқувчиларнинг нутқ малакаларини такомиллаштириш орқали уларнинг маънавиятини бойитиш ва поклаш билан боғлиқ муаммолар нималардан иборат?

Аввало, бу ўқувчилар жиноят дунёсига мансуб ўсмирлар бўлганлиги ва бу дунё зўрлик пойдевори устига қурилгани туфайли уларга таълим-тарбия бериш ва жиноятчиликнинг бир илдизи ўсмирнинг оиласидаги ҳаёт тарзи ва ҳаётий ҳолатлари, ҳар бир ота-онанинг ўз фарзандига бўлган муносабати, ота-оналарнинг ўзаро ва ёшлар ҳамда ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари, оилада ҳукм сурадиган маънавий муҳит, ота-оналарнинг ўз фарзандларини тарбиялашдаги ҳаракатлари, ота-оналарнинг ўз фарзандларини тарбиялашдаги ютуқлари ва камчилик

ҚУТЛАЙМИЗ!

Азиз волидаи муҳтарамамиз Муаззам ҚОДИРОВА!

Сиз борсизки, умид бор, бахт бор. Юрган йўлингиз ёруғ бўлсин. Сиздек меҳрибон аёлнинг фарзандлари бўлганимиз учун миннатдормиз.

Туғилган кунингиз қутлуғ бўлсин. Умрингиз боқий, кўнглингиз нурга тўлсин.

Муҳаббат билан фарзандларингиз: ШУҲРАТЖОН, ДИЛРАБО, АЗИЗ.

Муҳтарам устозимиз Набижон СОТТИБОЕВ!

Таваллуд топган кунингиз муносабати билан Сизга яна бир бор оилавий бахт, тотувлик, ижодий омадлар тилаймиз. Биздек шогирдларингизга доимо ҳаммаслак бўлиб юраверинг.

Шогирдларингиз.

Ҳурматли ҳамксабимиз Сайёрахон ШАРИПОВА!

Умрингизни сермаъно 29 баҳорини нуршунослик — кутубхоначилик фаолияти учун бағишладингиз. Шундан 15 йилини мактабдан ажралмаган ҳолда ноҳия халқ таълими бўлимида услубчи бўлиб ишлаб келмоқдасиз. Ўтган йиллар ичида фидойи меҳнатингиз учун Ўзбекистон халқ таълими аълочиси бўлдингиз.

Сизни муборак 50 ёшингиз билан чин дилдан табриклаб соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, хотиржамлик ва омад тилаймиз.

Шайхонтоҳур туманидаги халқ таълими бўлими жамоаси.

КЎНГИЛ ЗАРГАРЛАРИ

Бахт сандиқда, калити осмонда, — дейишади. Ўша калитни олмоқ учун интилмоқ, изланмоқ, турмуш уринишларидан ғолиб чиқмоқ даркор. Ҳамкасбларимиз Аҳмаджон Шокиров ва Қўчқор Тўраевлар ўз шогирдларининг ҳамиша бахтиёр бўлишларини, истеъдодларини ривожлантириб, қобилиятлари ва иқтидорлари мевасидан баҳрамандликда яшашларини орзулашади. Ўз орзуларини қайсидир шаклда намоён қила биладилар ҳам!

Мана, ўқув йили тугаб, ўқитувчилару талабаларнинг бир йиллик ҳаёти ва фаолиятига баҳо бериладиган — давлат имтиҳонлари топшириш дамлари ҳам етиб келди. Аҳмаджон Қўчқоров ва Қўчқор Рихсиевлар учун бу йил ўзига хос кечди. Чунки билим юртимиз жамоаси ўқув йили бошида ҳар иккала устознинг иш услублари ва ижодкорликларини инобатга олган ҳолда ҳамма, мураббийлар учун уларнинг дарс машғулотларини сабоқ дарсига айлантиришганди. Йил бўйи уларнинг иш тажрибаси ва иш услуби чуқур ўрганилди. Кузатишлардан шу нарса маълум бўлдики, бу устозлар ҳам назарий, ҳам амалий машғулотларни омухталаштириб дарс ўтиш орқали таълим жараёнида ўқувчиларнинг билимга ва касбга қизиқишини орттиришади.

Биз болаларнинг иқтидорига қараб, катта синов ва имтиҳонлар натижасида уларни ўқишга қабул қилсак-да, ўйинқароқлигу қайсарликлари сабаб, билим юртида ўқийдиганларнинг ҳеч бўлмаса ёш жиҳатидан ўзига хос олами бор. Ўсмир психологиясининг мураккабликларидан, катталар ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлардан нолишларни кўп эшитиш мумкин. Лекин тажрибали педагоглар— махсус технология ўқитувчиси А. Шокиров ва ишлаб чиқариш устаси Қ. Тўраев каби педагоглар ўсмирлар учун ака ёки ота каби меҳрибон, тенгдош каби сирдош бўла олиш усулларини топа оладилар. Натижада билим юртида таълим олиб, заргар бўламан деган ўсмирлар ўз ўйинқароқликлари, қизиққонликларини унутиб, устозларининг дарсида улар билан бамисоли бир тану бир жон бўлиб фаолият кўрсатишади. Маълумки, 400 дан ортиқ ўқувчи таҳсил оладиган билим юртимизда Тошкент заргарлик заводи учун заргарлар, чинни заводи учун чинни шаклини ясовчилар, безак берувчилар ҳамда наққошлар тайёрланади. Аҳмаджон Шокиров билим юртимизда 1975 йилдан бери, Қўчқор Тўраев эса 1980 йилдан бери ўқувчиларга касб сирларини ўргатиб келишаяпти. Уларнинг тажрибаси, маҳорати, изланиши ҳар бир машғулотда намоён бўлади.

Аҳмаджон ака билан Қўчқор аканинг биргаликдаги очиқ дарси ноанъанавий тус олди. Дастлаб мавзу тўлиқ тушунтирилди. Ўтилган мавзулар ҳам савол-жавоблар асосида қайта мустаҳкамланди ва кетма-кет ишлаб чиқариш дарси бошлаб юборилди. Дарс мавзуси «Нақшинкор заргарлик буюмлари ясаш» эди. Нафақат ўқувчилар, балки дарс жараёнини кузатаётган кексаю — ёш мураббийлар, бу очиқ машғулотда қатнашган айрим ота-оналар ҳам устозлар сабоғининг жозибасига ром бўлиб қолишди.

Ҳар икки мураббий ўз шогирдлари билан яратган зебу зийнат буюмлари нафақат жумҳуриятимизда, балки Америка Қўшма Штатлари, Сурия ва Кампучия кўргазмаларида муносиб тақдирланган, қатор медаль ва фахрий ёрлиқлари билан билим юртимизга фахр келтирганлигини яхши биламиз. Ана шундай буюмларни тайёрлашни таълим олаётган ўсмирларга улар қандай ўргатади. Очиқ дарсда бу яққол намоён бўлди. Ҳар икки ўқитувчи дарс жараёнида хом ашёларни тежаб ишлатишу техника ҳавфсизлигига қанчалик риоя қилиш кераклигини ҳам ўқувчиларга уқтира билади. Ишлаш жараёнида ёнгинга қарши тадбирлар ҳам, асбоб — ускуналарни эҳтиётлаш ҳам таъкидланади. Ўқувчиларнинг дарс жараёнидаги кўтаринки кайфияти, амалий машғулотлардаги ўзи қилаётган ишга завқ-шавқ билан ёндашиши — қалб заргарлари бўлмиш А. Қ. Шокиров ва Қ. Р. Тўраевларнинг назаридан четда қолмайди.

Умуман бундай қўшма дарслар аввало вақтни тежашга, ўқувчиларнинг мавзуни тўла ўзлаштиришига имкон яратса, иккинчидан назарий билимлар шу жойнинг ўзида амалда синовдан ўтади. Бунга эришмоқ учун энг аввало фан ўқитувчилари маълум тажрибага эга бўлишлари, шогирдларининг қалбида ўзига ишонч ҳиссини шакллантира олишлари керак. Шундагина ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам ўз иқтидорларини ошкора намойиш қила оладилар. Дастгоҳлар ёнида ўтирган болакай ҳам энг асосийси, ўзини ёлғиз сезмайди. Кўнглида туғилган туйғуларини хайрхоҳлар иштирокида ўз асарларида намоён қила олади.

Қўшма дарс соатларини ташкиллаб, йил давомида нафақат шогирдлари, балки ҳамкасблари қалбига ҳам ижодкорликка илҳос ҳиссини сола билган билим юртимизнинг 1-тоифали ўқитувчилари Қўчқор Тўраев ва Аҳмаджон Шокировлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Роҳила ЖАЛОЛИДДИНОВА,
Тошкентдаги 126-ҳунар-техника билим юрти услубчиси.

НУРОБОД ЗИЁСИ

(Боши 1-бетда).

ШАРТНОМАЛАР, МУРАББИЙЛАР

Раиса Георгиевна билан суҳбатлашаётиб у тутган қалингина папка диққатимни тортди. Бу мактаб маъмуриятининг муаллимлар билан тузган шартномалари экан. Шартномалар ҳар бир ўқитувчи билан тузилган. Унда, шубҳасиз, мактаб маъмурияти бажариши лозим бўлган ишлар, ўқитувчилар учун яратилган дарс ўтиш ва бошқа машғулотлар ўтказадиган шароитлар ўз аксини топган. Айни пайтда ўқитувчиларнинг ахлоқий сиймоси, унинг ҳамма учун ўрнак бўлиши, хулқи, ташқи қиёфаси, дарс бериш маҳоарти, муомаласи, ўқувчиларга меҳрибонлиги, ниятининг тўғрилиги, ўз устида тинмай ишлаган ҳолда билими ва тарбиячилик маҳоратини ошириб бориши сингарилар ҳам талаб қилинади. Ҳозирча мактабда қирққа яқин муаллим шартнома асосида ишламоқда. Шубҳасиз, уларнинг ойлик маошлари ҳам бошқаларникига нисбатан бир оз кўпроқ.

— Яқинда иккита муаллимимиз билан хайрлашишга тўғри келди, — деди Раиса Георгиевна. — Ўз устида мутлақо ишлашмади, ҳатто кундалик газета ва журналлардан ҳам бехабар қолишади, баъзида аёлларга хос бўлмаган қилиқлар билан шуғулланишди, ҳатто қўрғонда ўз обрўларини ҳам тўкиб қўйишди. Мен уларга жавоб бердим... Хаёлимга кечаги муаллимлар келди. Аммо тилимни тишладим.

Мактабда ёш ўқитувчилар анчагина. Аммо улар қанчалик билимли бўлмасин, педагогик маҳоратни ошириш учун уларнинг кўплари тажрибали муаллимларга бириктириб қўйилган. Масалан, ёш ўқитувчи Л. В. Невзоровага моҳир тарбиячи Н. С. Иванюк мураббийлик қилади, шунингдек А. Бобоёровага Б. Сайфуллаев, З. Ахунзяновага Т. Алимова, Ж. Ботировага М. Холтўраевалар мураббийлик қиладилар. Ёш ўқитувчилар вақти-вақти билан ўз устозларининг дарсларига кирадилар, тарбиявий соатларини кузатадилар, у ёки бу мавзуни ўтишга тайёргарлик кўриш жараёнини ўрганадилар, ота-оналар билан ишлаш, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий соатларни уюштириш муаммоларини улар ёрдамида ҳал этадилар. Мураббийлар ҳам ўз шогирдларининг дарсларини кузатадилар, уларга амалий ёрдамлар берадилар. Кўрилган бу тадбирлар мактабда ўқув-тарбия ишларининг тобора такомиллашиб боришига катта туртки бўлмоқда.

Мактабда тўгарак ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда ўз сафига 159 ўқувчини бирлаштирган суратқашлик (раҳбари И. Рукавишникова), халқ оғзаки ижодини ўрганиш (раҳбари Д. Қуролова), информатика (раҳбари Н. Маринина) ва бошқа тўгараклар синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг яхшиланишига ижобий таъсир этмоқда.

ДАРС СИФАТИ

— Биз айниқса бошланғич синфларда болаларга дарс беришни такомиллаштиришга жиддий аҳамият бераяпмиз, — дейди Раиса Георгиевна. — Айниқса амалий меҳнат дарслари бизда пухта ўтилади. Бошланғич синф ўқитувчиси Н. П. Бахмачнинг дарсларини кузатганимизда шунга ишонч ҳосил қилдикки, муаллима аввало ўзи ўқиётган фаннинг амалий меҳнат дарсларини ҳаддан ташқари катта тайёргарлик билан олиб боради. Бу ерда дарсгача ўқувчилар учун зарур бўлган барча жиҳозлар аввалдан тайёрлаб қўйилади. Учинчи синфда ўтказилган меҳнат дарсларида ўқувчи қизлар ўзларига қўйлакча, халатча ва бошқа кийимлар тикишни, бичишни жуда пухта ўрганиб олганлигига ишонч ҳосил қилдик. В. Г. Марчукова ўқитаётган 2-синфдаги ўқиш дарслари эса ўзининг қизиқарлилиги билан ажралиб туради. Ўқитувчининг дарсдаги ҳар бир калимаси, фикри амалий машғулотлар, жиҳозлар, кўргазмали воситалар билан исботланади. Шунинг учун ҳам бу синфдаги ўқувчилар нафақат равон ва ифодали ўқишни, балки ўқиган текстлари бўйича равон талаффуз билан ҳикоя қилишни ҳам пухта эгаллаб олганлар. Умуман биз мактабда қайси ўқувчи билан суҳбатлашмайлик, уларнинг ҳар бири ўз муаллимлари ўтган дарслардан қониқаётганлигини мароқ ва ҳурсандчилик билан айтиб берганлигининг гувоҳи бўлдик. Мен шу куни 3-синфда ўтказилган диктант матни билан танишиб чиқдим. Олинган диктантнинг биронтасини ёмон деб бўлмайди. Ўқувчиларнинг ёзуви ғоятда чиройли, имло хатосиз. Синфда диктант ёзган ўқувчилардан 16 ўқувчи «аъло», 4 ўқувчи «яхши» билан баҳоланган. Бошқа синфларда ҳам шундай қувончли воқеаларни кузатишга тўғри келди. Маълум бўлишича, мактабда фаолият кўрсатаётган методик бирлашмалар, методик секциялар ва бошқа воситаларнинг ҳаммаси фақат ўқувчининг саводхонлигини оширишга қаратилган экан.

— Директоримиз Раиса Кучинадан жуда кўп нарсани ўрганаяпмиз, — дейди ўқитувчи М. Абдумўминова. — У жуда тажрибали муаллим. Шахсан мен у кишидан ўқувчилар билан алоҳида-алоҳида шуғулланиш ҳар бир ўқувчидаги қобилиятни тезда пайқаб олиш, ўқувчининг билимига ҳар томонлама тўғри баҳо қўйишни ўргандим.

ДИРЕКТОР

Раиса Георгиевна Кучина катта педагогик тажрибага эга. Ўзбекистонимиз заминида таваллуд топган бу муаллима энг аввало Оҳангарондаги 10-мактабда ишни кашшофлар бошлиғи лавозими билан бошлади. Кейинчалик тақдир уни Ангренга олиб кетди. У ердаги мактаб-интернатда илмий бўлим мудири, 12-ўрта мактабнинг директори лавозимларида ишлади. Етти йилдан кўпроқ директорлик қилгандан сўнг шаҳар партия қўмитасида инструктор, бўлим бошлиғи лавозимларида ишлади, саккиз йилга яқин шаҳар халқ таълими бўлимига мудирлик қилди.

— Аммо бу лавозимдан мени ҳеч ким ҳайдаган эмас, — дейди директор. — Ангрендаги ўттиз еттита мактабнинг 80 фоизини ўзбек мактаблари ташкил этарди. Мен барибир эгаллаб турган лавозимимда ўзбек миллатига мансуб бўлган киши ишлаши кераклигини қалбан ҳис қилиб, ариза бердим ва тўғри бу ерга ишга келдим.

Табиатан одамларнинг қалбига тўғри йўл топа оладиган директор янги мактабда ишни оталиқ ташкилотининг раҳбари — Янги Ангрен ГРЭСининг директори, ажойиб инсон Юрий Ефимович Долиннинг кабинетидан бошлади. Ю. Е. Долин анча маърифатли одам. У мактаб учун, болалар учун ҳеч нарсани аямайди. У ўз корхонаси суратчисини мактабга бериб қўйди, мактаб саҳнларини, спорт саройини, залларни безатиш учун маблағни аямади, корхонанинг маблағи ҳисобига мактаб учун ўндан ортиқ компьютерлар олиб берди. Ҳозир эса мактабнинг ёзги ҳавзасини ишга тушириш учун ишчи кучлари билан ёрдам бермоқда.

Ишимизда ҳал этилмаган муаммолар ҳам бор, — дейди Р. Кучина. — Гарчанд ҳамма муаллимларимиз уйжой билан таъминланган бўлса ҳам, бироқ ҳозиргача малакали ашула ва мусиқа ўқитувчисига эга эмасмиз. Шунингдек биология, малакали ўзбек тили муаллимлари зарур. Мактабимизнинг каттагина ошхонаси бор. Барча бошланғич синфларнинг, айни пайтда 5-синфларнинг ҳам ўқувчилари оталиқ ташкилоти ҳисобидан текин овқатланадилар. Йил якунларига кўра корхона бошлиғи муаллимларга ҳам мукофот пуллари беришни ваъда қилмоқда. Биз бу ерда кейинчалик лицей очишни мўлжаллаяпмиз. Бироқ кадрлар қўнимсизлиги бизни бир оз ташвишга солмоқда.

Директорнинг шу гапидан сўнг, мен кеча олдимга борган икки муаллима ҳақида гап очдим. Директор индамади. Бир оздан сўнг кабинетига бошлади. У ерда ўша икки муаллиманинг ҳужжатлари билан танишдим. Аввало ҳар иккала муаллима ҳам ўтган йилги аттестациядан шартли равишда ўтган экан, сўнгра уларнинг қўшниларидан тушган шикоятлар, милициянинг актлари, уй бошқармаси раҳбариятининг бир неча хатлари менинг кечаги суҳбатдошларимни ишдан жуда ўринли бўшатилганлигини исботлар эди.

Мақолага шу ерда нуқта қўйсам бўларди. Бироқ Ангрен шаҳар халқ таълими бўлими раҳбариятига, Нуробод шаҳар — қўрғон кенгашининг раиси Жалолитдин Алиевга баъзи мулоҳазаларимни айтсам, эҳтимол, ўринли бўлар.

Нурободда иккита мактаб бор. Ҳар иккаласи ҳам русча-ўзбекча, яъни икки тилда ўқитиладиган мактаблардир. Агар уларнинг бирини том маънодаги миллий мактаб, иккинчисини фақат рус тилида ўқитиладиган мактаб қилиб ажратилса, айни муддао бўларди.

Нурободдаги 35-ўрта мактабда болаларга билим ва тарбия беришда яхши тарбиявий анъаналар ишлаб чиқилди. Менимча, Тошкент вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти мактабнинг иш жараёнини изчил ўрганиб, бу ерда семинарлар ташкил этса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Мўмин ҚАЮМ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси, «Маърифат» рўзномасининг Оҳангарондаги мухбирлар пости раҳбари.

БАҲОВУДДИН НАҚШБАНД ТАВАЛЛУДИНИНГ 675 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ДАРС МАВЗУИ— ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ

Биз яқин кунларгача инсонни тўғри сўзга, ўз ризқини ўзи топиб ейишга, ҳаромдан ҳазар қилишга ўргатган Баҳоуддин Нақшбанд ва, умуман, ислом оламида табаррук зотлар, деб тан олинган бошқа мутафаккирлар меросидан бехабар эдик. Ислом тафаккурини ўрганишимиз, алломаларимизни эъзозлашимиз керак, буларсиз ҳақиқий инсон даражасига эришиш мумкин эмас.

Улуғ мутафаккир Баҳовуддин Нақшбанд ҳаёти ва фаолияти, унинг ислом тарихида тутган ўрни ҳақида зиёлиларимиз томонидан қатор илмий мақолалар эълон қилмоқда. Университетимиз ўқитувчилари ҳам алломанинг таваллуд топган кунига ўзларининг камтарона улушларини қўшиш ниятида. Яқинда Р. Тошев, М. Юнусова, М. Мақсудова, М. Ҳайдарова, С. Охунжоновалар томонидан ёзилган «Баҳоуддин Нақшбандий» номли қўлланмалари нашрдан чиқди.

Қўлланмада сўфийлик таълимотининг улкан намояндаси Нақшбанд ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ муҳим маълумотлар берилган. Бундан ташқари ушбу мавзу бўйича алоҳида мустақил иш ҳам тавсия қилинган.

Д. АБДУЛЛАЕВА,
Ибн Сино номидаги Бухоро тиббиёт институти тиллар кафедраси ўқитувчиси.
М. ИСЛОМОВА,
Бухоро давлат университети ўқитувчиси.



Ёзнинг таровати, гашти ўзгача,
Мевалар қуёшдан шарбат олади.
Маржон ҳосилидан қадди дол боғлар,
Дилларга бир олам қувонч солади.

Р. АЛЬБЕКОВ сурат-лавҳаси.

ҲАМ ЗИЙНАТ, ҲАМ НЕЪМАТ

Фусункор диёримизнинг серҳосият ўсимликларидан бири тут ҳисобланади. Тутнинг қоқиси, шинниси, барг-шарбати жуда шифобахшдир. Унинг баргидан озиқланган қурт ҳам қимматбаҳо тола беради. Балх тутининг меваси Ўрта Осиё табобатчилигида қадимдан дори-дармон сифатида истеъмол қилиб келинган. Абу Али ибн Сино тут мевасини ҳам, мева ширасини ҳам даволашда қўллаган.

x x x

Шотут меваси таркиб, тўйимли ва шифоли неъматлиги билан балх тутидан қолишмайди. Халқ амалиётида шотут шифобахш дори сифатида тавсия этиб келинган. Шотут меваси чилон жийда меваси билан биргаликда бўғма ва қизилча хасталикларига малҳам бўлар экан. Оғиз бўшлиғи яллиғланганда шотут меваси асосида тайёрланган қайнатма билан чайилса азиятга таскинлик беради. Булардан ташқари шотут ҳароратни пасайтирувчи, чанқоқ қолдирувчи хусусияти билан бирга буйрак ишлашини фаоллаштиришда яхши натижа беради.

Шотутнинг яна бир ҳосияти: унинг анноб жийда билан қайнатмаси камқонликка даво бўлиб, жигар, буйрак ва ичак хасталикларида ҳам малҳам бўлади. Бу муолажа ўз йўли билан асма, дизентерия ва чечак исканжасида бўлганларга мадор бўлади.

Ҳозирги пайтда бу тут навларини мамлакатимизнинг барча ерларида ўстириш мумкин.

А. ИЗЗАТОВ,
Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси.

ҲИКМАТЛАР

Ота-онанинг ёмонлиги фарзанднинг ҳам ёмон бўлишига далил бўла олмайди. Фарзанд ўзгаларга ибрат кўзи билан боқиб, етук инсонга айланиши мумкин. Марваридни қара, ичишга ярамайдиган шўр сувдан чиқади.

*

Юракка ўрнашиб кетган манманликни йўқотишдан кўра, тоғни игна билан йиқитиш осонроқ.

*

Қаноат — иззатнинг асоси, ўлмайдиган боқий хазина, қуримайдиган дарахт, завол топмайдиган мулк.

*

Сўз қуролдир, кимки шу қурол билан жароҳатланган бўлса, уни даволаш қийин.

*

Ростгўйлик — инсоннинг ўткир ақл, соф мулоҳаза, тоза кўнгил, олижаноб ва мард эканини кўрсатиб турувчи далилдир. Дунёда ростгўйликдан кўра кўркамроқ ҳулқ ва табиат йўқ.

*

Ота-онанга қандай муомала қилган бўлсанг, фарзандларингдан ўша муомалани кут.

*

Хушфеъл одам доимо роҳатда бўлади, уйқусида ҳам қўрқмайди. Чунки инсон бедорликда нимани одат қилган бўлса, уйқусида ҳам ўшани кўради.

*

Тамагир бўлмаслик зарурки, баларнинг хилма-хили ана шу тамагирлик сабабли юз беради. Одам арзимас нарсаларга ҳам жаҳлини чиқаравермаслиги керакки, кишига жаҳлдан ҳам кучлироқ душман йўқ. Чунки жаҳли чиққан одам ўзини билмайди.

Қидир ТЎЛА ўғли тайёрлаган.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти маъмурияти Андижон вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори Э. Дадахўжаевга онаси Кандолатхон ДАДАХЎЖАЕВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ҳаммуассис), Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: маъсул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35.

ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000040.
Буюртма Г—239. 117209 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 20.00.
Босишга топширилди — 21.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 123456.